Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

Xalq Demokratik partiyasi · O'zbekiston Xalq Demokratik partiyasi

• 2011-yil, 28-iyul. Payshanba • 89 (31.365) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Кейинги 10 йилда босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда улар қарийб 1200 тага етди.**

**Мамлакатимиздаги телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. ОАВ Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам эфирга узатилади.**



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф қилинган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу лойиҳа темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлиги ва барқарорликка таҳдид солувчи фавқулодда вазиятлар юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган.

Атрофлича муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

«Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қамоқда сақлаш жойлари фаолиятининг қонуний асосларини шакллантиришга, қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, миллий қонунчиликни ушбу соҳадаги халқаро мезонларга мувофиқлаштиришга қаратилган. Кун тартибига киритилган навбатдаги масала — «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юқоридаги ҳужжатнинг мантиқий давомидир. Унда Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг айрим моддаларига тузатишлар киритиш назарда тутилган.

Моддама-модда муҳокама якунларига кўра, ҳар иккала Қонун қабул қилинди ва улар Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Шундан кейин депутатлар мамлакатимизда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни ривожлантиришга, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган бир қатор ҳужжатларни муҳокама қилдилар. Улар орасида «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам бор. Ушбу лойиҳада ҳуқуқ қўлланилиши амалиёти инобатга олинган ҳолда бир қатор норматив қоидаларга лицензия бериш тартиб-таомилларининг самарадорлигини оширишга ва уларни соддалаштиришга қаратилган аниқликлар киритиш таклиф этилди. Лицензия олиш вақтида тадбиркорлик субъектларининг харажатларини камайтириш мақсадида ҳужжатда амалдаги қонуннинг лицензия даъвогари аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим миқдорини белгиловчи тегишли моддасига ўзгартиш киритиш назарда тутилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси моддама-модда муҳокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Шунингдек, депутатлар томонидан «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунларига ва Солиқ кодексига назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувини қисқартиришга қаратилган тузатишлар киритилди.

Моддама-модда муҳокама давомида депутатлар томонидан баён этилган айрим таклифларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди. Қонун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

*(Давоми 2-бетда.)*

Фракция фаолияти





Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

26 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

## Устувор вазифалар белгилаб олинди

Унда бир қатор масалалар билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи ҳақида»ги қўшма қарори ҳамда мазкур қарордан келиб чиқиб, ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Концепцияни ҳаётга татбиқ этишда фракция аъзоларининг амалий иштирокини янада кучайтириш каби муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракция зиммасидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Эътироф

**Ўзбекистон мустақиллигининг қутлуғ 20 йиллик байрами арафасида барча жойда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Ораста ва сўлим хиёбонлар, боғу гулзорлар кишига завқ бағишлайди. Одамларнинг юз-кўзларидаги қувонч, табассум кўнгилга зиё бахш этади. Чўмилиш ҳавзаларида, ўйингоҳларда болажонларнинг қувноқ кулгуси жаранглаб турибди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда қарор топган тинчлик ва осойишталикдан нишона. Юртингизга байрамлар жуда ярашади.**

**Бозорларингиздаги тўкин-сочинликни кўриб, ҳавасим келди. Мазаси оғизда қоладиган мевалар, қовун-тарвузлар, бири-биридан ширин ўзбек таомлари... Барчасини таърифлашга тил ожиз. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини томоша қилиб, лол қолдим. Ҳайратларимни суратларга муҳрладим».**

**Эрминг КАГТЕ,**
***(Норвегия).***

## ҚВПларга замонавий тиббий ускуналар

Самарқандда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш борасида кўпдан-кўп ишлар қилинмоқда.

Шу йилнинг ўтган олти ой давомида вилоятнинг шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари тизимига «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари асосида хориждан кўплаб технологиялар ва жиҳозлар келтирилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотга кўра, ҳозирга қадар вилоят перинатал туғурук ҳамда скрининг марказлари, Самарқанд шаҳридаги 3 та туғурук мажмуасига, Нарпай ва Пастдарғом туманлари тиббиёт бирлашмалари туғурукхоналарига сунъий нафас олдирувчи ускуналар, автоклав сингари замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Ўтган йиллар мобайнида шаҳар ва туманларда фаолият олиб бораётган кўп тармоқли марказий ҳамда болалар поликлиникалари, ҚВПлар энг сўнгги тиббий асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди.

Яқинда «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида 14 та стоматологик даволаш ускунаси ҚВПларга ўрнатилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

## Фактларга таяниб иш кўрган афзал

**Яқинда оммавий ахборот воситаларида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) вакилининг баёноти эълон қилинди. Унда «Тожикистондаги алюминий заводи дарёнинг қуйи оқимида жойлашган ҳудудлар, айниқса, Ўзбекистон учун жиддий муаммолар туғдираётгани» қайд этилди. Бу Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида юзага келган вазиятга берилган холисона баҳодир.**

⇨ 2

## КОНЦЕПЦИЯ:

## Фуқаролик жамияти институтлари —

*демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим омили*

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат бошқарувини эркинлаштириш, ҳокимият ва халқ ўртасида холис ахборот алмашинувини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу жараёнда, айниқса, фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши учун қонуний шарт-шароит яратиш бўйича қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Хўш, фуқаролик жамияти институтлари мамлакатнинг демократик янгиланишида қандай ўрин тутади, бу борада уларнинг вазифалари нималардан иборат? Бу ҳақда жамоатчилик етарли тушунчага эга бўлиши ғоят муҳим.

Мамлакатимизда ҳозир жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилдагига нисбатан 2,5 баравар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади.

⇨ 2

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!




Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## КОНЦЕПЦИЯ:

# Фуқаролик жамияти институтлари —

## *демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим омили*

(Давоми. Боши 1-бетда.)




Мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари қуйидаги йўналишларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишга ҳисса қўшиб келмоқда.

**Иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар:** хусусий мулк асосида вужудга келган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлар; ижара асосида ишловчи жамоалар; акциядорлик жамиятлари; молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар; ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари; тадбиркорлар уюшмалари ва бошқалар.

**Ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар:** оила манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар; таълим-тарбия муассасалари; жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; мустақил ОАВ; диний ташкилотлар; миллий-маданий марказлар; кўнгилли жамиятлар; жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари ва бошқалар.

**Сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар:** сиёсий партиялар; ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва бошқалар.

Шу ўринда айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: улар аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этади; фуқаролар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлади; давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришнинг асосий воситаси ҳисобланади; миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини юксалтиришда, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини жорий этишда муҳим аҳамият касб этади. Жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳаётга татбиқ этишда улар давлатнинг тенг ҳуқуқли ижтимоий ҳамкори ҳисобланади; бир сўз билан айтганда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтиришга хизмат қилади.

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузилманинг мазмун-моҳияти у олиб борадиган фаолият орқали ифодаланади. Фуқаролик жамияти институтларининг функциялари ҳам муайян фаолиятни амалга ошириши орқали жамият ҳаётига таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Бизнингча, фуқаролик жамияти институтларининг демократик ислоҳотлар самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини қуйидаги йўналишларда таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

**Биринчидан,** фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланадиган жамоат ташкилотларининг бирламчи ва асосий функцияси уларнинг давлат ҳокимиятини муайян даражада чегаралаш, яъни давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш эканини эътироф этиш жоиз. Айтиш мумкинки, жамоат ташкилотларининг хизмати айнан демократик жараёнларнинг ривожланиш даврида уни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашда кўринади.

**Иккинчидан,** мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида сиёсий партиялар муҳим вазифаларни амалга оширади. Сиёсий партияларнинг асосий функцияси алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларнинг жамият учун бир хил аҳамият касб этишини таъминлай олишдир.

**Бугунги кунда фаолият юритаётган сиёсий партиялар мавжуд конституциявий ҳуқуқ меъёрлари доирасида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилмаган ҳолда, шаклланиб келаётган сиёсий жараёнлар ва муносабатлар доирасида муқобил сиёсий йўлларни ифода этувчи восита сифатида намоён бўлмоқда. Умуман, ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий функциялари бўлиб, улар партия фаолиятининг ажралмас қисмидир.**

Мамлакатимизда ижтимоий воқеликнинг жадал ривожланиши фуқаролик жамияти институтларининг янги функциялари шаклланишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда деярли барча жамоат ташкилотлари мамлакатни демократик ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда. **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»**да илгари сурилган тегишли қонунчилик ташаббусларининг амалга ошиши фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги ҳуқуқий имкониятларини янада кенгайтиради.

Зеро, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришдан мақсад — инсон ҳаётини муҳофаза қилиш, унинг манфаатларини муайян ташкилотлар, ижтимоий гуруҳлар ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Фуқаролик жамиятининг мазкур институтлари, ўз навбатида, алоҳида шахс учун унинг ҳокимият манбаи эканлигини ҳис қилишга ҳамда унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси жамиятда юксак қадрият сифатида тан олинишини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

**Маҳмуд НАЖИМОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, доцент.**

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Олий Мажлис қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига бир нечта қонун лойиҳаси биринчи ўқишда киритилди. «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тегишли ахборот алмашинуви ва потенциал қарздорларнинг кредитлари, кредит мажбуриятларини бажариш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, қарзни тўлашга қобилиятлилиги, молиявий ҳолати, тўловга қодирлиги, тўлов интизоми, обрўси ва бошқа хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишнинг таъсирчан тизимини яратишга қаратилган. Қонун лойиҳасига мувофиқ кредит ахбороти алмашинуви билан фақатгина махсус ваколатли институт — кредит бюроси шуғулланиши мумкин.

«Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалда рўёбга чиқариш ҳамда товар бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олишга, ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган. Молиявий хизматлар бозорига нисбатан монополияга қарши тартибга солишни татбиқ этиш қонун лойиҳасидаги асосий янгиликлардан биридир. Савдо-сотиқни монополияга қарши тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, шаффоф, очиқ, соғлом рақобат шароитларини таъминлаш мақсадида тендер ва биржа операцияларини монополияга қарши тартибга солиш бўйича алоҳида боб киритилмоқда.

«Микромолиялаш соҳасининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси халқаро принциплар ҳамда стандартлар асосида ушбу соҳада назорат қилиш ва тартибга солишнинг таъсирчан механизмларини жорий қилишни назарда тутади. Ушбу механизмлар микромолиялаш бозорини сифат жиҳатидан ривожлантиришни, нобанк кредит ташкилотларида корпоратив бошқарувни кучайтиришни, депозит маблағларини кафолатлаш фондларини ташкил этиш орқали аҳолининг кредит уюшмалари тизимига бўлган ишончини ошириш мақсадини назарда тутади. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунларга тегишли тузатишлар киритилмоқда.

Депутатлар юқорида кўрсатилган учта қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмиталарга ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини топширдилар.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган ҳамма ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан иштирок этдилар. Депутатларнинг фикрича, мамлакатимизда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш учун шундай ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиш лозим, токи ҳар қандай тадбиркор ва хусусий мулкдор ўзи қонуний йўл билан сотиб олган ёки яратган хусусий мулки дахлсиз эканлигига ишонч ҳосил қилсин. Мамлакатимизда эркин бозор муносабатларини ривожлантиришга, ташкилий тартиб-таомилларни соддалаштиришга, бизнес тузилмаларнинг молия ва хўжалик фаолиятига ортиқча аралашувларни бартараф этиш, уларга кенг эркинлик бериш орқали иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришнинг янги қудратли омилларини яратишга халақит қилаётган барча тўсиқларни тезда бартараф этиш муҳим эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ҳар бир қонун лойиҳасининг муҳокамаси манфаатдорлик билан, партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, фикрлар рақобати ва эркин мулоқот вазиятида ўтди. Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар киритдилар. Улардан энг муҳимлари қонун лойиҳаларини кейинчалик маромига етказиш вақтида ҳисобга олинади.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати**

# Фактларга таяниб иш кўрган афзал

Бироқ, ушбу баёнот «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси («ТАЛКО») вакилларига қаттиқ таъсир қилган кўринади. «ТАЛКО» вакили Игорь Сатаров ЮНЕПнинг трансчегаравий ҳудудларнинг ифлосланаётгани борасидаги ташвишига қўшилиш ва аниқ далилларга асосланиш ўрнига, очиқчасига сиёсий сафсатабозликка берилиб, «Озодлик» радиосининг тожик хизматига шундай дейди: «Экология мавзусидан сиёсий босим воситаси сифатида фойдаланиш амалиёти кенг тарқалган. Бу технология аввалдан, халқаро миқёсда айрим компанияларга ҳам, давлатларга ҳам қарши қўллаб келинади... Муаммоларга келсак, бу ерда эҳтимол, гўё Тожикистон алюминий заводи томонидан дарёнинг қуйи оқимида жойлашган ҳудудларга, айниқса, Ўзбекистонга етказилаётган экологик зарар масаласи назарда тутилмоқда. Бу борада Тожикистон томони қўшни давлатни ўзбекистонлик ва халқаро экологлар иштирокида Тожикистон ҳамда қўшни мамлакат ҳудудидаги атроф-муҳитни биргаликда таҳлил қилиш учун бир неча бор таклиф қилган, аммо Ўзбекистон томони доимо буни рад этиб келган».

**Таъкидламоқ лозимки, Ўзбекистон томони, аксинча, ҳар доим алюминий ишлаб чиқариш натижасида атмосферага чиқарилаётган заҳарли моддаларнинг атроф-муҳитга, аҳоли саломатлиги ҳамда генофондига салбий таъсир кўрсатаётганидан ўз ташвишини билдириб келади. 1994 йилнинг 17 ноябрида Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи фаолияти салбий таъсир кўрсатаётган ҳудудлардаги экологик аҳволни яхшилаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди. Афсуски, битимда кўзда тутилган қатор тадбирлар айнан Тожикистон томонидан ҳалигача бажарилмай келмоқда.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЮНЕП вакиллари бошқа халқаро экспертлар билан бирга жойларда бўлиб, экологик вазият ва аниқ фактлар билан шахсан танишди ҳамда алюминий заводи саноат фаолиятининг оқибатларини ўз кўзи билан кўрди.

Бу борадаги фактлар шундан далолат берадики, корхона атмосферага қарийб 22 минг тонна заҳарли моддаларни, шу жумладан, одамлар саломатлиги ва атроф-муҳит учун ўта хавфли ҳамда зарарли 120 тонна фторли водород чиқармоқда.

Бу маълумотлар жамоатчиликка яхши маълум. Ушбу фактлар Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кўплаб расмий нашрларида (шу жумладан, «ТАЛКО» давлат унитар корхонаси чиқараётган заҳарли моддаларнинг Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги айрим туманлар аҳолиси ҳамда атроф-муҳитига трансчегаравий таъсири» (Тошкент, 2010), «Forum International» (Италия, 2010, № 23-20) чоп этилган, Тожикистон Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ахборотларида (2005 йил 6 октябрь, № 853/1) қайд этилган, шунингдек, REGNUM (12.07.11), Econew.ru (12.07.11) ва бошқа ахборот агентликларининг веб-сайтларида эълон қилинган.

Атмосферага чиқарилаётган мазкур заҳарли моддаларнинг асосий қисми шамол таъсирида 18-19 соат ичида Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги 600 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон туманлари ҳудудига тарқалади.

Эколог олимлар ва мутахассислар томонидан ушбу ҳудуд атроф-муҳитида фторидларнинг тўпланиши туфайли ҳайвонот ва наботот оламининг таназзулга учраши, синтез ва минераллашув жараёнлари мувозанатининг бузилиши, мутациянинг пайдо бўлишига олиб келиши исботланган. Фторли бирикмалар аҳоли ўртасида флюороз касаллигининг тарқалишига, суяк-мушак, нафас олиш ва эндокрин тизимларининг нонормал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳудудда чақалоқларнинг туғма нуқсонлар билан дунёга келиши тобора кўпаймоқда.

Корхона таъсир доирасидаги ҳудудда йилдан-йилга турли касалликларнинг, муддатидан олдин туғиш ва ҳомила тушиб қолиши, туғма мажруҳлик ва ўлик туғилиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани, айниқса, жиддий ташвиш уйғотади.

Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Профилактика тиббиёти илмий-тадқиқот институти маълумотларида ҳам Турсунзода туманида кариес, пародонтоз ва флюороз касалликларига чалиниш юқори даражада экани қайд этилган. Болаларда флюороз касаллигининг тарқалиш даражаси аҳоли пунктининг заводдан қанчалик узоқдалигига қараб 45 фоизгача етмоқда.

Алюминий олиш жараёнида фторли водороддан ташқари, катта миқдорда заҳарли газлар — олтингугурт диоксиди ва карбонат ангидрид гази ажралиб чиқади. Бундай газлар одамда йирингли бронхит, ўпканинг сурункали шамоллаши, бош айланиши, мигрень, бош оғриғи, қон босими ошиши каби хасталикларга олиб келади. Ушбу заҳарли чиқиндилар бўлажак оналарнинг репродуктив функцияларига, айниқса, хавфли таъсир кўрсатади.

Бирламчи алюминий ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштирилаётган 517 минг тоннага етказиш оқибатида атмосферага чиқарилаётган заҳарли моддалар миқдори ҳам йилига 35-40 фоиз ошиши, бу эса минтақадаги экологик вазиятни янада ёмонлаштиришини «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси раҳбарлари наҳотки билмаса?

Бундан ташқари, ушбу минтақанинг атмосферада ифлослантирувчи моддалар тўпланишига сабаб бўлаётган табиий шароити ҳам вазиятни оғирлаштирмоқда. Айниқса, ёз мавсумида фторли водороднинг бир марта максимал даражада тўпланиши рухсат этилган концентрация миқдоридан 1,5-4,5 бараваргача ошади. Ерининг устки қисмида жойлашган сувларда алюминий бирикмаларининг сувда эрийдиган формалари миқдори 5 баравар ошиши аниқланган. Хўш, бу борада яна қандай далил ва исботлар керак?!

«ТАЛКО» вакиллари яна бир далил — қатор босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида Тожикистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 50 фоиздан ортиғи мазкур компанияга етказиб берилаётгани, ҳатто қиш мавсумида мамлакатдаги шифохоналар, мактаблар ва болалар боғчалари электр токидан узиб қўйилса-да, айнан «ТАЛКО» электр энергиясини узлуксиз равишда олаётгани ҳақида эълон қилинган далил-исботлардан ҳам яхши хабардор бўлишлари керак.

> **«ТАЛКО» вакиллари яна бир далил — қатор босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида Тожикистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 50 фоиздан ортиғи мазкур компанияга етказиб берилаётгани, ҳатто қиш мавсумида мамлакатдаги шифохоналар, мактаблар ва болалар боғчалари электр токидан узиб қўйилса-да, айнан «ТАЛКО» электр энергиясини узлуксиз равишда олаётгани ҳақида эълон қилинган далил-исботлардан ҳам яхши хабардор бўлишлари керак.**

Сиёсий сафсатабозлик билан ниқобланган ҳолда, жамоатчиликдан, энг аввало, ўз халқидан рад этиб бўлмайдиган бундай далилларни яширишга уриниш, беозор қилиб айтганда, иккиюзламачиликдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон экологлари кўп йиллардан буён Сурхондарё вилояти ҳудудининг Тожикистон алюминий заводи томонидан ифлослантирилаётгани ҳақидаги муаммони ҳал этиш бўйича шошилинч чоралар кўриш зарурлиги тўғрисидаги масалани ўртага ташлаб келмоқда. Ўзбекистон Экологик ҳаракати Сурхондарё вилояти жамоатчилиги билан биргаликда «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонасидан ҳудуд атроф-муҳити ва аҳолиси саломатлигига кўп йиллардан буён етказиб келинаётган зарарни қоплаш тўғрисида халқаро судларга даъво аризаларини тайёрламоқда. Зеро, халқаро конвенцияларга мувофиқ, ушбу корхона ҳам Ўзбекистон, ҳам Тожикистон аҳолисига етказилган зарарни қоплашга мажбурдир.

**Саидрасул САНГИНОВ,**
**Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси, профессор.**

Бандлик

# Коллеждан — корхонага

## *йўл олаётган ёшлар*

Олтинсой вилоят марказидан 150 километр олисда жойлашган, ҳудудда 135 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда шу йилнинг ўтган олти ойида 3 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилган бўлса, 500 нафардан ортиқ йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди.

— Яқинда ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ўтказилган эди, — дейди **ЎзХДП Олтинсой туман кенгаши раиси Рўзибой Лапасов.** — Унда 100 нафарга яқин олтинсойлик ёшлар ўз мутахассисликлари бўйича турли корхоналарга ишга жойлаштирилди. Бугунги ярмаркада ҳам битирувчилар тўғридан-тўғри коллеждан корхонага йўл олмоқда.

— Жорий йилда туманда 4 минг 900 тага яқин янги иш ўринлари яратишимиз лозим, — дейди **Олтинсой туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Баҳодир Тоғаев.** — Шуни инобатга олган ҳолда меҳнат ярмаркаси, «Очиқ эшиклар» куни, учрашув ва турли тадбирлар ўтказилмоқда. Тушунтириш-тарғибот натижасида ўтган ярим йилда қарийб 2,5 минг нафар киши муқим иш жойига эга бўлди. Шундан 780 та иш ўрни ёшлар учун яратилди. Бу йил ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган 410 нафар кишига иш жойи очиш кўзда тутилган, ҳозиргача 204 нафар одам шундай иш ўринларида меҳнат фаолиятини бошлади.

Навбатдаги меҳнат ярмаркасида юзга яқин корхона, ташкилот ва муассасалар 650 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Иш берувчилар ёшларнинг иқтидори, билими ва қизиқишини алоҳида эътиборга олишди. Меҳнат ярмаркасида 300 нафарга яқин ёшларнинг ишга жойлашиши учун йўлланма берилди. Улар билан шартнома имзоланди.

— Яқинда Олтинсой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тугалладим, — дейди **Меҳринисо Баҳромова.** — Бугунги меҳнат ярмаркасида ўзим эгаллаган касб бўйича йўлланма олдим. Бундан ниҳоятда хурсандман...

— Биз ёшлар учун бугун қувончли кун, — деб суҳбатга қўшилади **Олтинсой транспорт коллежи битирувчиси Холида Бўриева.** — Бир гуруҳ тенгдошларим қатори мен ҳам ишга жойлашдим.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги олдидан



# Ислоҳотлар тақдири ҳудудларда ҳал бўлади

Иккинчи мақола

### Марказ ва ҳудуд: ваколат ва вазифалар...

Маҳаллий бозорнинг тадрижий тараққиёти давомида аста-секин жойларда кучли ижроия ҳокимияти шакллана борди. Чунки ҳар қандай қарор ҳам агар кучли ижро интизоми бўлмаса, кўзланган самарани бермайди. Шу боис, маҳаллий ва марказий бошқарув тизими тубдан ўзгартирилди ва ҳар бирининг ўзига хос вазифа ва ваколатлари ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва амалий жиҳатдан аниқ ва равшан белгилаб олинди. Ҳар бирига тегишли мажбуриятлар юкланди. Бу борада шартномалар — янгича хўжалик муносабатларининг қонуний асоси эканига қаттиқ урғу берилди. Ҳудудий бозор муносабатларини шакллантиришда бизнес-лойиҳа ва техник-иқтисодий асосномалар ишлаб чиқадиган марказлар, консалтинг хизматлари, ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятини мунтазам йўлга қўйиш орқали эркинлик ва ошкоралик таъминланди. Юқори сифатли технологиялар, қурилиш материаллари, ахборот-коммуникация технологиялари кўргазма ва ярмаркалари ўтказиб борилди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари учун янги ва тезкор, сифатли ахборотлар сув билан ҳаводек зарур.

Бундан ташқари, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро мувозанатини таъминлаш мақсадида муҳим ижтимоий-сиёсий қарорлар қабул қилинди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси мунтазам фаолият юритадиган профессионал мутахассислардан иборат органга, Сенат эса, ҳудудлар манфаатини ҳимоя қилувчи вакиллик органига айланди. Шу тариқа қабул қилинаётган ҳар бир қонун амалий аҳамиятга молик бўлишига, ўзаро мутаносибликни сақлашга, жамиятнинг ҳар бир бўғини ўз вазифасини адо этишига замин яратилди.

### Мақсадли ва ҳудудий дастурлар — ривожланиш гарови...

Ҳаётда бир қоида бор, ҳар қандай ишга қўл уришдан олдин аниқ мақсад кўзланади. Сўнг унга етишиш учун йўл ва усул танланади. Биз танлаган йўл бундан мустасно эмас. Бугун у дунё миқёсида тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб аталмоқда. Унинг ўзига хослиги, босқичма-босқичлиги, қонун устуворлиги, ижтимоий йўналтирилганлиги ва бошқа сифатлари ҳудудий ислоҳотларда янада теран намоён бўлади. Шу маънода, мувозанатли тараққиётни таъминлаш учун ҳудудий дастурлар қабул қилиниши ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда яна бир фикр. Маълумки, иқтисодиётдаги ислоҳотлар унинг турли соҳа ва тармоқларида олиб борилади. Соҳа ва тармоқлар эса вилоятларда жойлашгани, қабул қилинаётган барча дастурлар ижроси айнан ҳудудларда умумлашгани боис, улар Ҳудудий дастурлар деб аталади.

Шундай қилиб, давлатимиз томонидан мамлакат ҳудудларида бозор муносабатларига ўтишнинг самарали механизмлари яратилди. Бу саъй-ҳаракат самараси ўлароқ, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва истиқболи инобатга олинган ҳолда, алоҳида-алоҳида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва ижроси таъминлаб келинади. Бундан кўзланган мақсад — ҳудудларни ўзига хос ва ўзига мос равишда ривожини такомиллаштириш ва уларни яхлит, бир бутун ҳолда тараққий эттириш, албатта.

Сўнгги йилларда Президентимиз қарори билан тасдиқланган дастурлар орасида «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги дастурлар алоҳида ажралиб туради.

Мазкур дастурларнинг ўз йўналиши бўйича талаблари барча ҳудуд учун умумийдир. Шу ўринда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича ҳар йили қабул қилинадиган Дастур ва унинг ижросига тўхталиб ўтсак. 2006 йили мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)нинг 39,5 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келган. Дастур қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилгач, масалан, 2010 йил бу кўрсаткич 49,0 фоизга етди. Шунингдек, Мустақиллик йилларида ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши икки ярим баробардан ошди.

**Шу билан бирга, саноатни ривожлантириш билан боғлиқ Дастур ижросидан сўнг вилоятлар ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида соҳанинг улуши сезиларли даражада ўсди. Олиб борилган таҳлиллар, айниқса, Андижон, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши салмоқли даражада ўсганини кўрсатади. Албатта, бу сифат ўзгариши мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибига ҳам ижобий таъсир кўрсатмай қолмади. Ислоҳотлар даврида ЯИМда саноатнинг улуши 11 фоиздан 24 фоизга ортди.**

Қишлоқларимизга саноатнинг ва у билан боғлиқ бозор инфратузилмасининг кириб келиши кишиларимизнинг маънавий оламини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Янгича тафаккур юритадиган бизнес вакиллари, тадбиркорлар синфи, хизматларнинг хилма-хил тури юзага келди. Жумладан, унинг замонавий, илғор турлари — телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари ва суғурта, сайёҳлик-экскурция ва бошқалар жадал суръат билан ривожланмоқда.

Давлатимиз томонидан ҳар бир вилоятнинг салоҳияти, имкониятлари, шунингдек, мавжуд бўлган, аммо етарли самара бермаётган соҳа ва тармоқларни оёққа қўйишга доир ҳудудий дастурлар ҳам ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллар билан таъминлашни янада яхшилаш, ишлаб чиқариш салмоғини кўпайтириш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган махсус манзилли Дастур ёхуд Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш Дастури ёки Жиззах вилоятида 2009-2010 йилларда саноатни ривожлантириш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар Дастури бунга мисол бўла олади.

Очиғи, кейинги икки-уч йил ичида 60 га яқин мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурлар, комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди. Шу боис, давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳудудий дастурлар замирида, аввало, жойлардаги мавжуд, лекин етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятларни тўла ишга солиш ва шу орқали ўша ҳудудда яшаётган аҳоли турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган эзгу ният, саъй-ҳаракат мужассам. Шунингдек, бу, республика вилоятлари, шаҳар ва туманларидаги аҳоли бандлиги, уларнинг иш ҳақи ва даромадларини оширишдек ижтимоий муаммоларга ечим топиш демакдир. Бу эса, ялпи тараққиёт, шунингдек, маҳаллий бюджет ўсишининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Айтиш керакки, ҳудудий ислоҳотлар туманлар даражасида ҳам изчил ва тизимли равишда татбиқ этилмоқда. Ҳукуматимизнинг тегишли баённомалари асосида қабул қилинган, яъни, Навоий вилоятининг Конимех, Томди, Учқудуқ ва Нурота туманларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай, Тўрткўл ва Қўнғирот туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир, ёки бўлмаса, 2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрида саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар фикримизнинг далилидир.

Ҳа, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш, мана шу тарзда, устувор тамойилга айланди. Агар ислоҳотларнинг **биринчи ўн йиллигида** асосий эътибор минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожидаги ўзаро тафовутни камайтиришга қаратилган бўлса, **иккинчи ўн йиллик**да маҳаллий бозор муносабатлари ривожи сифат босқичига ўтди. Яъни, дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётган даврда, ҳар бир ҳудуддаги мавжуд иқтисодий, молиявий ва меҳнат ресурсларини тежаш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, ички захирадан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқиш устувор аҳамият касб этди.

Кириб келаётган ҳар йилимизнинг номланиши ва тегишли Давлат дастури қабул қилиниши ҳам ҳудудлар тараққиёти учун жуда муҳимдир. Биргина мисол. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури талабидан келиб чиқиб, узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизими кенг жорий этилди. Бу эса халқимиз руҳиятида кўтаринкилик, буюк янгиланишга қатъий ишонч ҳосил қилди. Чунки, уларнинг амалий ижроси бугун бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Юртимизнинг қайси гўшасида бўлманг, намунавий лойиҳа асосида шинам ва ёруғ, замонавий уйлар барпо этилгани кўнгилга ёруғлик бағишлайди.

Хуллас, бу саъй-ҳаракатларнинг умумий ҳосиласи, бир томондан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий яхлит ривожини таъминлаётган бўлса, иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг изчил ва собитқадам ўсишига хизмат қилмоқда.

### Эзгу ният — тараққиёт кафолати

**Дунё шиддат билан ўзгармоқда. Ундан ортда қолишни истамаган, фарзандларининг бахту иқболини кўришни орзу қилган халқ муттасил равишда тараққиёт сари интилади, замон билан ҳамнафас бўлиб яшайди. Хабарингиз бор, яқинда Президент Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди. У киши вилоят фаоллари ва ёшлар билан учрашув чоғида бугунги глобаллашув даврида биз ўз ўрнимизни қаерда кўрамиз, жаҳон ҳамжамиятида мавқеимизни мустаҳкамлаш учун нима қилишимиз керак, деган долзарб саволни ўртага ташлади. Айтилган жавобларни умумлаштириб, қуйидаги муҳим фикрларни таъкидлаб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари, аввало, муайян бир касбни пухта ўрганиш, ўз соҳасининг билимдони бўлиш — давр талаби экани, айниқса, ёшларни бугунги замонавий касб ва ҳунарга йўналтириш ғоятда муҳимлигини уқтирди.

Мана шу ўринда, Президентимиз ишлаб чиққан Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури мазмун-моҳияти янада ойдинлашади. Сабаби, бугунги ёшлар эртанги кунимизнинг таянчи. Уларнинг келажакдаги салоҳияти бугунги таълим-тарбияга боғлиқ.

Юртбошимиз қайд этганидек, ҳар бир ёш, у қайси касбни эгаллашидан қатъи назар, турмуш ташвишларига ўралашиб қолмасдан, ўз олдига катта-катта, юксак орзу-мақсадлар қўйиши, унга ёниб-интилиб яшаши лозим. Ўшанда жаҳоннинг манаман деган давлатларидаги ўз тенгқурлари билан бемалол рақобатга, мунозарага кириша олади.

Демак, ҳудудларнинг эртанги тараққиёти, мамлакатимиз куч-қудрати бугун ёшларимизни қандай тарбиялашимизга бевосита боғлиқ...

**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

Шарҳ

## Табиий офатларга
### иқлим ўзгаришлари сабаб бўлмоқда

***Ҳаммамизга маълумки, кейинги йилларда иқлим ўзгаришлари ҳақида кўп гапирилмоқда. Ҳатто такрор айтилиб, тинимсиз ёзилаверганидан одамларда кўникма ҳосил бўла бошлади. Яъни бундан беш-ўн йил аввал бу ҳақдаги гапларни кишилар алоҳида диққат-эътибор билан тинглаган ва ўқиган, сўнг мушоҳада юритган бўлса, эндиликда эса кўпчилик бепарволик билан муносабат билдиради.***

Келинг, бунинг сабаблари ҳақида узундан-узоқ фалсафа сўқмайлик-да, сайёрамизда иқлим ўзгаришларининг оқибатлари ўтган ҳафта қандай фалокатларга сабаб бўлганлигини ҳаётий мисоллар билан баён этайлик.

Россиянинг «Вести» телеканали хабар қилишича, ўтган ҳафта об-ҳавонинг аномал ҳолатлари Европанинг кўпгина мамлакатларида, Осиёда ва АҚШда қайд этилди. Хусусан, Жанубий Африка Республикасида, Франциядаги Алп тоғларида июль ойи бўлишига қарамай кучли қор бўрони тингани йўқ. Галибье довони қор билан қопланганлиги боис транспорт қатнови тўхтаб қолди. Шундоқ қўшни Испанияда эса жазирамадан одамлар лохас бўлмоқда. Каталонияда фавқулодда вазиятлар хизмати ходимлари кечаю кундуз ўрмонлардаги ёнғинларни ўчириш билан банд. Юзлаб гектар ўрмонлар олов домида қолгани учун темир йўл қатновида узилишлар юз бермоқда. Польша жанубида эса кучли шамол ва момақалдироқ жала бошлаб келди. Натижада дарахтлар қулади, дарёлар тўлиб-тошиб, экинзорлар сув остида қолди.

Табиий офатлар Ер шарининг энг қуёшли қитъаси бўлмиш Австралияни ҳам четлаб ўтмади. Сиднейда бир кеча-кундузда бир ойлик меъёрга тенг ёмғир ёғди. Шаҳарда кейинги 20 йилда бундай об-ҳаво шароити кузатилмаганди. Денгиз қутургани боис серфингда учишлар вақтинча тақиқланди.

Канаданинг Монреал шаҳрида шаррос ёққан жала канализация тармоқларини лойга тўлдириб ташлади, энди шаҳар канализацияларини тозалашга ҳам катта миқдорда маблағ сарфлашга тўғри келади.

«Росбалт» ахборот агентлиги АҚШ ҳудудидаги 30 та штатда ҳарорат рекорд даражада юқори бўлгани ва бу ўз ўрнида 141 миллионлик аҳолини жонсарак ҳолатга солгани ҳақида хабар тарқатди. Об-ҳавони кузатиш миллий хизмати маълумотларига кўра, жазирама аста мамлакат шарқига қараб сурилмоқда.

Дарвоқе, 22 киши кучли жазирамадан азият чекиб, ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Одатда Бразилиянинг шимоли-шарқий ҳудудлари қурғоқчил ҳисобланади. Аммо ўтган ҳафта бу ерларда ҳам шаррос ёмғирлар кузатилди. Натижада Пернамбуку ва Параиба штатларидаги дарёлар ўзанларидан тошиб, кўпгина экин майдонлари ва турар-жойларни сув босди, тоғли ҳудудларда эса тупроқ кўчкилари юзага келди. 10 киши қурбон бўлди, 13 мингдан ортиқ киши эса бошпанасиз қолди.

Ҳиндистон бу каби табиий офатларга биринчи бор дуч келиши эмас. Ўтган ҳафта шаррос ёмғирлар сув тошқинларини юзага келтиргани боис 26 та шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Брахмапутра дарёсида сув сатҳи кўтарилиб, шарқий штат бўлмиш Ассамда 200 га яқин қишлоқ сув остида қолди. 4 киши бевақт ҳаётдан кўз юмган бўлса, 180 минг киши табиий офатдан жабр кўрди. Корея Халқ Демократик Республикаси ҳам ёмғирли кунлардан бенасиб қолмади. Хванхэ-Намдо, Хванхэ-Пукто ва Хамген-Намдо музофотларида минглаб гектар қишлоқ хўжалиги экинзорлари яроқсиз ҳолга келди, йўллар бузилди, бинолар шикастланди, шу жумладан, турар-жойлар ҳам.

Хитой эса июнь ойи бошларида шундай кўргиликларни бошидан кечирганди. Ўшанда 460 киши сув тошқинлари боис қурбон бўлган ва бедарак йўқолган...

Бу каби табиий офатлар, албатта, иқлим ўзгаришларининг оқибатлари эканлигини халқаро экспертлар ва олимлар алоҳида таъкидламоқда. Жаҳон жамоатчилиги эса халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказиб, иқлим ўзгаришларини келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаб, бу омилларнинг муқобилини яратиш устида қизғин ишларни бошлаб юборган.

**Алимқул СУЛТОНОВ**
**шарҳлади.**



Реклама ва эълонлар

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат захираларини бошқариш қўмитасига қарашли
**«ИЛҒОР» КОМБИНАТИ**

*қуйидаги объектни тўлиғича таъмирлаб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

***ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:***

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | «Илғор» комбинатида маҳсулотларни сақлаш омборхонаси томини таъмирлаш ва комбинат ҳудуди ҳамда йўллари асфальт ва бетон қопламаларини таъмирлаш | 400 014 266 сўм | 333 345 221 сўм | 2 ой |

**Қурилиш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи*** — «Илғор» комбинати.

***Манзили:*** Жума шаҳри, Тинчлик кўчаси, 54-уй, телефон: (8366) 465-23-75.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Телефон: 231-13-51, факс: 233-32-00.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд вилояти, Жума шаҳри, Тинчлик кўчаси, 54-уй, «Илғор» комбинати биносида соат 10.00** да ўтказилади.

Спорт

# Боксчиларимизнинг навбатдаги ғалабаси

Қозоғистонда бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг нимчорак финал беллашувлари якунланди.



Уч юз нафарга яқин боксчи қатнашаётган нуфузли мусобақа нимчорак финалида ўзбекистонлик боксчилардан Ойбек Шарипов, Улуғбек Абдуқаюмов ва Исроил Мадримов чорак финалга йўлланма олган жамоадошлари — Алиёр Норалиев, Шоҳруҳ Набиев ҳамда Муҳаммадсалим Сотволдиев сафига қўшилди.

Жаҳон чемпионатида энг кескин ва муросасиз беллашувлар вазни 80 килограммдан юқори ўсмирлар ўртасидаги жангларда кузатилмоқда. Мазкур вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Ойбек Шарипов украиналик Артём Верхохлядни биринчи раунддаёқ мағлубиятга учратди. Боксчимиз ярим финалга чиқиш учун ўтказиладиган кейинги жангда россиялик Ҳожиакбар Мамаков билан рақобатлашади.

66 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашаётган Улуғбек Абдуқаюмов ҳам мухлису мутахассислар ишончини оқламоқда. Мусобақага иккинчи даврадан қўшилган боксчимиз биринчи жангида грециялик Полинеикис Каламарас устидан 16:6 ҳисобида зафар қучди. Улуғбек чорак финалда украиналик Али Сеитмеметовга қарши рингга чиқади.

Жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган боксчиларимиздан Исроил Мадримов кетма-кет иккинчи ғалабасини нишонлаб, чорак финалга йўл олди. Руминиялик Мариан Пита билан ўтказилган жангда И.Мадримов баҳсни 23:11 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Энди у ярим финал йўлланмаси учун бўладиган навбатдаги беллашувда шотландиялик Фрезер Горн билан беллашади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# Кучлилар дона суришди

Хитойнинг Нинбо шаҳрида шоҳмот бўйича миллий терма жамоалар ўртасида саккизинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.



Бундай нуфузли мусобақада Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида дастлабки беш ўринни эгаллаган, ўз қитъа чемпионатида ғолиб чиққан давлат жамоалари ва мезбонлар иштирок этади. Шуни фахр-ифтихор билан эслашимиз даркор, 1993 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси XXX Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадаси кумуш медали совриндори сифатида қатнашганди.

Нинбо шаҳрида ўнта давлат жамоаси давравий тартибда дона сурди. Низомга кўра, тўртта тахтадаги учрашув натижаси бўйича умумий ҳисобда ғалаба қозонган жамоага 2 очко, дуранг бўлса 1 очко берилади. Мағлубиятга учраган жамоага очко ёзилмайди. Баҳсларда ҳар бир очко учун кураш кескин кечди. Бўлиб ўтган 45 та ўйиндан 20 тасида 2,5:1,5, 9 тасида 2:2, 9 тасида 3:1, 6 тасида 3,5:0,5, атиги битта учрашувда 4:0 ҳисоби (Россия — Исроил — 4:0) қайд этилди.

Жамоалар тўплаган очколари ва қўшимча кўрсаткичларига кўра қуйидаги тартибда жойлашишди:

1. Арманистон — 14; 2. Хитой — 13; 3. Украина — 12; 4-6. Россия, Венгрия ва АҚШ — 10 тадан; 7. Озарбойжон — 9; 8. Ҳиндистон — 7; 9. Исроил — 5 очко. 10. Миср — 0. Ҳа, Африка қитъаси вакили бўлган Миср жамоаси биронта баҳсда умумий ҳисобда дурангга ҳам эриша олмади.

Шоҳмот оламида нуфузли ҳисобланган жамоавий жаҳон чемпионатида юртимиз вакиллари ҳам қатнашган эди. Ишончимиз комил, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, жаҳон чемпионини вояга етказган Ўзбекистонимиз вакиллари келгусида шундай жаҳон чемпионатларида кучлилар қаторида албатта дона суришади.

**Асрор МЎМИН**






# Тадбиркор ва ишбилармон ўзбек аёли

Ўзбекистон Маданияти ва санъати кўргазмаси залида «Мустақил юртнинг тадбиркор ва ишбилармон аёли» мавзуида кўргазма бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур кўргазма Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар «Тадбиркор ва ишбилармон аёллар» жамоат бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазма-савдо тарзида ташкил этилган бу тадбирда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги тадбиркор, ишбилармон, касаначи, ҳунарманд аёллар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилди.

Мазкур кўргазмадан кўзланган асосий мақсад — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва касаначилик бўйича фаолият юритаётган аёллар ўзаро тажриба алмашиши учун шароит яратиш, давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир.

Тадбирда иштирокчи хотин-қизларга тижорат банклари, солиқ ва божхона хизмати, молия ва иқтисодиёт соҳасидаги миллий қонунчиликка оид маълумотлар берилди.

Ёшлар, хотин-қизларни иш билан таъминлашда алоҳида фаоллик кўрсатган жамоат ташкилотлари, тадбиркор аёлларга диплом ва совғалар топширилди.




Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Миллий матбуот марказида

## Мамлакатимизда йўлсозлик ва кўприксозлик ривожи

«Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси шу мавзуда матбуот анжумани ўтказди. Унда компаниянинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Компания 42654 километр, жумладан, 3979 километр халқаро, 14069 километр давлат ва 24606 километр маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларини техник соз ҳолатда сақлаб, келмоқда.

Мазкур йўлларни сақлаш, таъмирлаш ва такомиллаштиришда компания таркибида 13 та вилоят ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти, 7 та минтақавий таъмирлаш корхонаси, 161 та йўл хўжалиги туман пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси, автомобиль йўллари илмий тадқиқот институти ва бошқа пудрат қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳар йили ўртача 200-250 километр йўлни реконструкция қилиб, 1500-2000 километр йўлни таъмирламоқда.

1991 йилга нисбатан олиб қарасак, ўтган вақт ичида цементбетон қопламали йўллар узунлиги 21, асфалтбетон қопламали йўллар 1852, қора қопламали йўллар 542, тош-шағал қопламали йўллар 421 километрга етди.

Шунингдек, умумий узунлиги 6645 погонометр бўлган 175 та кўприк, 19 та 3938 погонометр йўл ўтказиш ва транспорт ечимлари қурилди ёки реконструкция қилинди.

Анжуманда «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан Президентимизнинг «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация қурилиши инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Дастур қабул қилингани, унга асосан 2012-2015 йилларда жами 2306 километр йўл қурилиши ва реконструкция қилиниши ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, Қамчиқ довони бўйича А-373 Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг 108-208 километрини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан, 116-190 километрига цементбетон, 108-116 ва 190-208 километрига асфальтбетон қоплама ётқизилиши, довондаги Қамчиқ ва Резак туннелларини ёритиш ҳамда ёнғин хавфсизлиги тизимларини модернизация қилиш кўзда тутилганлиги таъкидлади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Ҳуқуқий ислоҳот

# Ҳакамлик судлари —

## *тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоячиси*

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига йигирма йил тўлмоқда. Юртимизда ана шу тарихан қисқа давр ичида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли ишлар қилинди. Президентимиз ташаббуси билан судлар тизимини ислоҳ этиш, жумладан, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини таъминлаш борасида амалга оширилган туб ислоҳотлар жаҳон афкор оммаси томонидан ижобий баҳоланмоқда.



Ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бугун Ўзбекистонда аҳоли манфаатларини адолат мезони асосида ҳимоя қилишга доир икки юздан ортиқ қонун қабул қилинди. Хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, улар учун қулай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, хусусий сектор тараққий этгани сари, соҳа вакиллари орасида иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар, зиддиятлар, суд органлари орқали ҳал қилиниши лозим бўлган ҳолатлар учрайдики, уларнинг барчаси судлар томонидан кўриб чиқилиши мушкул, албатта. Дунёнинг 120 та давлати томонидан имзоланган «Чет эл арбитраж қарорини тан олиш ва уни ижро этиш ҳақида»ги Нью-Йорк Конвенциясига 1995 йилда қўшилган республикамизда ҳам судловнинг бутунлай янги, нодавлат тури амалиётга жорий этилди. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, мазкур қонунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлик суди ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Ҳакамлик судларининг ишини самарали ташкил этиш ва бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратиш мақсадида «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларига ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳакамлик муҳокамаси тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан усулларидан бири ҳисобланади. Чунки унинг иш юритиш тамойиллари тадбиркорлар манфаатларига тўлиқ мос келади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ва юридик шахслар учун ҳакамлик судларининг афзаллик жиҳатлари шундан иборатки, бу тоифадаги суд ишларини юритишда тадбиркорларнинг манфаатларига мос келадиган тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, масалан, тижорат сирларини ошкор қилмаслик, иш юритишнинг ёпиқ тарзда олиб борилиши, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари ошкор қилинмаслиги кабиларга алоҳида эътибор берилади.

Ҳакамлик судида фақат битта инстанция назарда тутилиб, ишлар тезлик билан ҳал қилинади. Унда бошқа судлар каби апелляция, кассация, назорат инстанциялари мавжуд эмас, ҳакамлик судининг қарори якуний ҳисобланади. Асосий мақсад тарафлар келишувига эришиш, уларни муросага келтиришдир. Бу жараёнда томонлар ўртасидаги ҳамкорлик имкон қадар сақлаб қолинади.

**Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси тизимидаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари томонидан 2010 йилда жами 1500 та даъво аризаси кўриб чиқилган. Ҳакамлик судининг Тошкент шаҳар филиалида ўтган йил давомида жами 11 млрд. 660 миллион сўмлик 626 та даъво аризадан 3 млрд. 586 миллион сўмлик 250 та даъво қаноатлантирилди.**

Ҳакамлик судлари ҳакамлик муҳокамасининг махфийлигини тўлиқ таъминлайдики, тарафларнинг обрў-эътиборига халал бермайди. Бунинг учун ҳакамлик суди муҳокамаси ёпиқ мажлисда кўриб чиқилади. Бу — тарафлар ўртасида низо мавжудлиги, шунингдек, низонинг бирор-бир ўзига хос томони ошкор қилинмаслигини таъминлайди. Дейлик, кимдир қўни-қўшнисидан, ишдаги ҳамкорларидан бировнинг судга берганини ошкор қилишни истамаслиги мумкин. Шуларни инобатга олиб, ҳакамлик судида фақат суд таркиби ва низолашаётган томонлар қатнашади. Бу жиҳатлар, бир томондан нодавлат-нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш тамойилларига мос бўлса, шу билан бирга, маълум сабабларга кўра билиб-билмай хатоликларга йўл қўйган фуқароларнинг ҳам обрў-эътибори сақлаб қолинади. Натижада мурожаат қилувчиларнинг ҳакамлик судига ишончи янада ошади.

Ҳозирги пайтда юзага келган низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантириш мамлакатда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш учун зарур бўлган шартлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал этишда ҳакамлик муҳокамаси муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида юз берган низоларни ҳал этишда ҳакамлик судлари имкониятларидан фойдаланиш тадбиркорлар учун қатор қулайликлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ҳакамлик судларининг фаолият кўрсатиши тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаши баробарида, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади. Чунки ҳакамлик судларининг мавжудлиги ривожланган давлатларда бўлгани каби, хорижлик инвесторлар учун ҳам кафолат вазифасини ўтайди. Қолаверса, ҳакамлик судлари мамлакатимизда қулай бозор инфратузилмасини шакллантириш ва низоларни кўриб чиқишни халқаро талаблар даражасига кўтариш имконини беради.

**Муртазо СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали бошлиғи ўринбосари.**

ОБ-ХАВО 28-29.07. 2011

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 39°C | 40°C |
| Самарқанд | 37°C | 41°C |
| Нукус | 39°C | 38°C |
| Қарши | 39°C | 41°C |
| Урганч | 39°C | 42°C |
| Навоий | 39°C | 40°C |
| Фарғона | 35°C | 38°C |
| Бухоро | 39°C | 40°C |
| Андижон | 35°C | 41°C |
| Наманган | 35°C | 39°C |
| Термиз | 39°C | 42°C |
| Жиззах | 37°C | 41°C |
| Гулистон | 37°C | 41°C |
| Тошкент вил. | 37°C | 41°C |
| Лондон | 17°C | 16°C |
| Париж | 30°C | 23°C |
| Москва | 31°C | 28°C |
| Мадрид | 36°C | 35°C |
| Пекин | 31°C | 32°C |
| Гонгконг | 29°C | 30°C |
| Рим | 27°C | 27°C |
| Анқара | 37°C | 38°C |
| Токио | 28°C | 30°C |
| Стокгольм | 19°C | 19°C |
| Кейптаун | 17°C | 18°C |
| Қоҳира | 34°C | 34°C |
| Гавана | 33°C | 33°C |
| Вашингтон | 22°C | 34°C |

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси меҳнат фахрийси Ислом Шоғуломовга турмуш ўртоғи
**Сония ШОҒУЛОМОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 2 август, сешанба куни чиқади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
11278 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 22.50
Topshirilgan vaqti — 01.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: To'lqin TO'RAXONOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5